



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 108 (12.169)

Баҳоси эркин нарҳда

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2012 йил 4 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

**Яқинда Венада икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокнда Ўзбекистон — Австрия бизнес анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан Австрия иқтисодий палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиши ва юртимизда қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирган Австрия ва Ўзбекистон компанияларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.**

## ВЕНАДА ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРИЯ БИЗНЕС АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбир доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Австрия иқтисодий палатаси раҳбарияти ва Австрия компанияларининг вакиллари иштирок этган «онлайн» видео-анжумани ҳам ташкил этилди.

Дори-дармон, тўқимачилик, машинасозлик саноати, қишлоқ хўжалиги сингари қатор ишлаб чиқариш соҳаларидаги ихтисослашган давлат ва хусусий компанияларининг вакиллари билан иборат Ўзбекистон делегацияси томонидан ишлаб чиқариш жараёнларига энг янги технология ва билликлари қўллаш юзасидан австриялик шериклар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиш масаласига алоҳида ургу берилди.

Ўзбекистон — Австрия бизнес анжумани доирасида кооперация биржаси ҳам ўтказилди.

Австрия иқтисодий палатасининг минтақавий директори Х.Вальтер икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий муносабатларда ҳали фойдаланилмаган салмоқли салоҳиятнинг мавжуд эканлигини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистон — Австрия бизнес анжуманининг ўтказилиши ва иқтисодий делегациялар алмашинувлари аънамага айланиб бораётгани ҳолда улар икки мамлакатнинг ихтисослашган компания ва корхоналари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш ишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2012 йил 8 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирманчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари томонидан Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни ва шаҳар-созлик тўғрисидаги қонунларнинг ижросини ўрганиш ақуналари.

## ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди. Унда мамлакатимиз шаънини йигирмадан

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

## Бугун – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



## КИЧКИНТОЙЛАРГА МЕҲР ВА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамағатлари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика актёрлар уйи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур хайрия концертига Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли оилалар фарзандлари таклиф этилди.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, уларнинг имкониятлари тенглигини, ҳуқуқларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш масаласига ўтасувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жамағатлари, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлаш-

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида Ўзбекистон академик рус драма театрида концерт бўлиб ўтди.

маси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўғил-қизларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашишга доир кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Турли концертлар, болаларга аталган янги спектаклларнинг премьералари, ижодий танловлар, фестиваллар ёш авлод онгу шуурда ватанпарварлик, фидойилик, миллий аънава ва кадрларимизга содиқлик ғояларини мустақкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида маданият ва истироҳат болалари, Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари, маҳалаларда ана шундай концертлар, байрам

тадбирлари кўтаринки руҳда, юксак савиёда ташкил этилмоқда.

– Ашула айтиш, рақсга тушишга жуда қизиқман, – дейди Тошкент шаҳридаги 171-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Нилуфар Холмуродова. – Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказидаги «Ғунча» ансамблига қатнашман. Байрам учун «Ассалом», «Доира», «Дугоналар» каби рақсларни ўрганиб, Меҳрибонлик уйларида, боғчаларда намойиш этаяпмиз.

Тадбирда болалар бадиий жамоалари ижросидаги катта концерт дастури ёш томошабинлар эътиборига ҳавола этилиб, кичкинтойларга байрам совғалари топширилди.

Назкат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

**1 июнь – Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни ҳақида сўз кетганда, беихтиёр юртимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг ўтасувор йўналиши эканлиги ёдимизга келади. Ўзбекистонда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояси, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланиши масалаларига қаратилаётган улкан эътибор юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.**

Юртимизда давлатнинг бу борадаги ғамхўрлиги ҳамда қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Халқаро муносабатлар Европа институти геосиёсат бўлимининг директори **Пьер-Эмануэл Томанн** ушбу байрам арафасида берган интервьюсида Ўзбекистонда бир неча мартаба бўлгани ва турли йиллик халқаро конференцияларда иштирок этганини, шунингдек, мазкур анжуманлар чоғида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан пухта ўйланган ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва бошқа соҳаларда эришилаётган ўзгаришлар хусусидаги

## ПЬЕР-ЭМАНУЭЛ ТОМАНН: «ЎЗБЕК ЁШЛАРИ КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ»

маълумотлардан атрофлича воқиф бўлганини маълум қилди.

Экспертнинг айтишича, жорий йилнинг февралда Тошкентда бўлиб ўтган «Юксак биллими ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашиш унда алоҳида таассурот қолдирган. «Ушбу халқаро анжуман чоғида Ўзбекистонда ўқув жараёнларининг

ташкил этилиши билан бевоқиф танишиш имкони яратилди, мактабларга, коллеж ва лицейларга бориб, мамлакатда мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритилган ижодий ўзгаришлар билан шахсан танишдик», деди у.

Пьер-Эмануэл Томанн Ўзбекистоннинг соғлом ва маърифатли ёш авлод тарбияси боғида эришган муваффақиятларини ҳам юксак баҳолади. Унинг эътирофи айтишича, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама бар-

камол авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсати энг юқори баҳога лойиқдир. «Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши ҳисобга олинган бўлса, бу жиҳат фақулдада муҳим аҳамиятга эгадир, деди у. Ана шундай оқилона сиёсат туфайли янги, интеллектуал жиҳатдан ривожланган авлод шаклланиши учун ажойиб асос қўйилдики, Ўзбекистоннинг келажаги улар билан боғлангандир».

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Санонат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Оилавий тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори» мавзусида анжуман ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Беруний туманида Юртбошимизнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbirlar тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

• Ўртачирчиқ тумани Маданият саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози – 2012» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

• Оролбўйида «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Нукус тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Соғлом она – соғлом бола» мавзусида ўтказилган тадбирда она ва бола саломатлигини мустақкамлаш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, хотин-қизлар ва ёшларни спортга кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

## ЖАҲОНДА

• Бағдод шаҳрида рўй берган портлаш оқибатида йигирмага яқин одам ҳаётдан кўз юмди ва ўттиздан ортиқ киши оғир жароҳатланди. Маҳаллий полициянинг берган маълумотларига қараганда, бахтсиз ҳодисага одамлар билан гавжум бозорда портлаш мосламаси ўрнатилган автомобилнинг портлаб юборилгани сабаб бўлган. Фожа оқибатида бозор яқинидаги савдо марказлари ва ишоотларга катта зиён етган.

• Миср тоғ дараларининг биридан қояга ўйиб солинган расмлар топилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар беш минг йил аввал чизилган. Ҳор деворларида йирик ва майда шохли моллар, охулар ва бошқа кўплаб ҳайвонлар тасвирланган.

• Франция ҳукуматининг қарорига биноан Париждаги Эйфель минораси турли хилдаги ўсимликлар билан қопланади. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад дунёга машҳур ушбу диққатга сазовор жойининг ташқи кўринишини янада кўркамлаштириш орқали сайёҳларни кўпроқ жалб этишдан иборат. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур минорани йилга олти миллион сайёҳ томоша қилади. Хабарларга қараганда, лойиҳани амалга ошириш учун 72 миллион евро сарфланиши кутилмоқда. 2014 йилга бориб Эйфель минораси ям-яшил даратхта айланади.

• АҚШнинг Массачусетс технологик институти олимлари томонидан дори препаратларини нинасиз юбориш имкониятига эга шприц ихтиро қилинди. Қурилма Лоренц кучи ёрдамида ишлайди, яъни кичик ҳажмдаги кучли магнит препаратни бир сонияда 314 метр тезликда юборадиган механизмни ҳаракатга келтиради. Игнаси замонавий инъекторлар эса катта босимда тери остига сингиб кетади.

ортиқ ёшлар ҳимоя қилади.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети хузуридаги 5-академик лицейда «Қувноқлар ва зукколар» танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда лицей

жамоаси фахрли 2-ўринни эгаллади.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида «Беғубор болалигим» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан уюштирилаётган «Келажак овози – 2012» танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.

**Бугун жаҳонда «яшил иқтисодиёт» деган атама тез-тез тилга олинмоқда. Бундан кўзланган мақсад инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, сайёрамизда пайдо бўлаётган экологик муаммоларнинг инсон саломатлиги ва табиий мувозанатга салбий таъсирининг олдини олиш, табиатни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга етказишдир.**

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Жорий йилда 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини ҳам яшил иқтисодиётга ўттиш ва табиат билан уйғун ривожланиш шiori остида нишонланмоқда. Табиий ресурсларни тежаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий этиш ушбу йўналишдаги устувор вазифа сифатида кун тартибига кўйилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, экологик ислохотлар жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт тармоқларида соф ривожланиш механизмларини жорий этиш, ер ости ва ер усти бойликларини тежаш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирларни янада ривожлантириш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш муассасалари ҳамкорлигида «Муқобил ёқилги ва энергия корхоналари» ассоциацияси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, фан ва амалиёт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва барча соҳаларда янги технологияларни татбиқ этиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йил бешинчи марта ташкил этилган Иновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида муқобил энергетика соҳасида яратилган ва ишлаб чиқарилаётган, ресурс ва энергия тежайдиган йигирмадан ортик ғоя ва ишланма намойиш этилди. Ушбу ярмаркада Тошкент давлат техника университетининг энергетика факультети олимлари ҳам қатор ишланмалари билан иштирок этиди. Улар томонидан яратилган санаят, кишлоқ хўжалиги, маиший тармоқда қўлланиладиган энергия тежовчи қурилма, қўш нури воситасида иссиқ сув билан таъминлайдиган геотермалекторлар, иссиқлик электр станцияларида қўш қурилмалари янги жорий этишга оид илмий лойиҳалар мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Олимларимиз илм-фаннинг долзарб вазифаларига бағишланган бешта давлат гранти, ўнлаб хўжалиқ шартномалари ва халқаро лойиҳалар бўйича изчил илмий изланиш олиб бормоқда, — дейди Тошкент давлат техника университети энергетика факультети декани Анвар Алимов. —

Мазкур дастурларни амалга оширишда мамлакатимиздаги йигирмадан зиёд илмий муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари ва Германия, Япония, Малайзия каби давлатларнинг илмий марказлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ана шундай изланишлар натижасида кейинги беш йилда йигирмага яқин иxtiрога давлат патенти олинди.

Кўёш энергияси асосида иншоотларни иссиқ сув билан таъминлашга мўлжалланган геотермалектор нафақат санаят учун муҳим, айна пайтда чекка ҳудудлардаги қишлоқ уйларида ҳам замонавий шарт-шароит яратиш имконини беради. Маҳаллий хомашё асосида яратилган ушбу қурилмадан ҳозир йирмик санаят корхоналари, иссиқлик ишлаб чиқариш марказлари ва тоғли ҳудудлардаги оромгоҳларда самарали фойдаланилмоқда.

Тошкент давлат техника университети энергетика факультетида муҳим илмий лойиҳалар талабаларни ҳам кенг жалб этиш, ёшларга илм-фан соҳасида эришилаётган натижалар ва замонавий технологияларни чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида икки йил аввал муқобил энергия ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди. Лаборатория муқобил энергия ишлаб чиқарадиган қўёш батареялари ва шамол генераторлари билан жиҳозланган. Бу ерда ёш тадқиқотчилар қўёш, шамол, биогаз энергиясидан фойдаланиш, микрогидроэлектр станцияларини яратиш ва татбиқ этиш, муқобил энергия қурилмаларини бошқариш технологияси каби долзарб мавзуларда илмий тадқиқот олиб бормоқда.

— Шахрисабз тумани «Чоршанба» канали базасида микро ГЭС яратиш юзасидан илмий изланиш олиб бормоқдаман, — дейди энергетика факультети муқобил энергия йўналиши магистранти Азиз Тўйчиев. — Илмий изланишларим натижасида яратган кичик қурилмамини Қарши гидроузелига ўрнатиб, дастлабки илмий-синохулосаларини олдик. Келгусида ушбу тадқиқотларимни янада такомиллаштириб, муқобил энергетикани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга ўз улушимни қўйиш ниятидаман.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида шаклланаётган бундай илмий салоҳият жамиятимиз олдида турган кўллаб устувор вазифаларни, экологик муаммоларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

## ВЕНАДА ЎЗБЕКИСТОН — АВСТРИЯ БИЗНЕС АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Австрияда фаолият кўрсатадиган «Хемофарма» компаниясининг менежери М.Кондо сўнги йилларда Ўзбекистонда чорвачилик ва паррандачилик мажмуини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. «Бизнинг компаниямиз бу соҳада Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёрдир», деди у.

«Аптека Цум Гольденнен Райхсгапфель» компанияси директори Х.Коварик Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасида ижобий тажрибага эга эканлигини маълум қилди. У Ўзбекистон ишбилармон доиралари вакиллари билан таълим ва ишлаб чиқариш бўлими билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш, Австрия компаниялари томонидан таълим қилинаётган «ноу-хау» билан танишиш ва қўшма

сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганиш ва рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароит яратишини қайд этди.

Тадбирлар чоғида Австрия компаниялари Ўзбекистонда хорижий капитал кўйилмалари учун яратилган имтиёзлар натижасида республикамизнинг сармоявий жозибадорлиги йил сайин ортиб бораётгани тўғрисида яқдил фикр билдирдилар. Бу, Австрия ишбилармон доиралари вакиллари билан таълим ва ишлаб чиқариш бўлими билан таълим ва ишлаб чиқариш бўлими билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш, Австрия компаниялари томонидан таълим қилинаётган «ноу-хау» билан танишиш ва қўшма

«Жаҳон» АА  
Вена

## ПЬЕР-ЭМАНУЭЛ ТОМАНН:

### «ЎЗБЕК ЁШЛАРИ КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, эксперт Ўзбекистонда болалар ва уларнинг саломатлиги ҳимояси, мамлакатда таълим-тарбия даражасини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган давлат дастурлари энг юксак халқаро меъёزلарга мос келишини қайд этди.

«Ўзбекистондаги таълим масалаларига, спорт иншоотлари ва музика мактабларига борганим чоғида ўзбек ёшларидан, уларнинг эҳқонидан дилим қувнади. Шунини ишонч билан айтишим мумкинки, ўзбек болалари бахтиёр ёшлардир ва улар мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажига комил ишонч билан қарайди», деди Пьер-Эмануэл Томанн.

У, шунингдек, Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва бугунги кунда анъана тусини олган умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид нихоллари» спорт мусобақаларини ҳам юқори баҳолади. «2012 йили бу мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичларида бир ярим миллион нафардан зиёд мактаб ўқувчиси иштирок этгани, шубҳасиз, эътиборга сазовордир», деди эксперт.

Кураш бўйича Франция миллий кўмитасининг раиси Бернар Кабос-Дюамел болалар ҳимояси, уларнинг бахтли болалигини таъминлаш, жисмонан соғлом ва баркамол авлод тарбияси масалалари ҳамда интеллектуал салоҳиятини хар томонлама намойён этиши учун ёшларга қулай шароитлар яратиш берилиши Ўзбекистон давлат сиёсатининг устуворлигини таъкидлади. «Кураш ёшларнинг нафақат жисмоний жиҳатдан, балки маънавий маданияти, таълим ва тарбияси мактаби, қолаверса, у спортнинг нафақат миллий тури, айна пайтда халқаро миқёсда ўзбек халқининг қўна ва ўзига хос маданиятининг элчиси ҳамдир», деди у.

Тарихчи олим Майкл Риммер (Буюк Британия) тарих ўқитувчиси сифатида 2004 йили Ўзбекистонда ишлаш имконига эга бўлганини маълум қилди. Орадан 8 йил ўтган бўлишига қарамай, у ҳамон қалбда ўзбек халқига нисбатан муҳаббат қўш ураётганини, юртимиз билан дўстона ва касбий алоқалари ҳамон давом этаётганидан мамнун эканлигини айтди. У Ўзбекистон раҳбарияти ёш авлодининг баркамол ривожланиши, улар ўз иқтидорлари ва қобилиятларини намойиш этишлари учун барча шароитларни яратганини ҳамон ўзи муқим бўлганини алоҳида таъкидлади. «Шунинг учун ҳам ёш музикачилар, санъаткорлар, вокалчилар нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларни қўлга киритишмоқда», деди М.Риммер.

«Жаҳон» АА



Абдул Якубов (ЎЗА) олган сурат

«Ўзэкспомарказ»да кишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominotech Expo - 2012» халқаро иттифодчиларининг кўргазма-савдоси якунланди. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-са-

ноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг сўнги иш кунини Хоразм, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан фермерлар, агрофирмалар раҳбарлари, улгуржи-чакана савдо компаниялари ва кичик бизнес вакиллари иштирок этди.

**Тошкентда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишга эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарма, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Бугун дунёда фан ва техника тобора тараққий этаётган бўлса-да, кўллаб экологик муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Уларнинг ечимини топиш жаҳон ҳамжамиятидан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликни талаб этади. БМТ ташаббуси билан 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланиши ҳам дунё жамоатчилигининг эътиборини экологик муаммоларга жалб этиш, бу борадаги халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, экологик дастур ва лойиҳалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси Н.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда экологик мувозанатни яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнида соф ривожланиш механизмларини жорий этиш ва барқарор ривожланишга эришишга мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг устувор йўналиши эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда бу йўналишда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан

оқилона фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Бу борада ўттиздан зиёд қонун ва уч юздан кўпроқ меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Ўн иккита халқаро конвенция ратификация қилиниб, уларда белги-

## 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини

### ТАБИАТНИ АСРАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

ланган тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизда ер, сув, ҳаво мусаффолигини таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелiorатив холатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш, биологик хилма-хилликни асраш бўйича миллий дастур ва қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнида табиатга салбий таъсирларнинг олдини олиш, анъанавий ёқилги ман-

баларини тежаш ва қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълимни ривожлантириш ишлари — доимий эътиборда.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, жамоатчилигини экологик лойиҳалардан мунтазам хабардор қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга барчани жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан мамлакатимизда 31 майдан 5 июнгача экология ҳафталиги эълон қилинди. Ушбу ҳафтани доирасида жойларда кўллаб тадбирлар, ижодий танловлар, экофорум ва экофестиваллар бўлиб ўтади. Экологик таълимни ривожлантириш, эколог мутахассислар тайёрлашда таълим, фан, амалиёт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалаларига оид илмий анжуманлар ташкил этилади.

Анжуман доирасида мамлакатимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иқлим ўзгаришининг олдини олиш, биохилма-хилликни асраш, чиқиндиларни қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш, экологик таълим каби йўналишларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар тақдирини ўтказилди.

Тадбирда атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишга эришиш, чўлландининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ташаббуслар ва уларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон тажрибасига оид маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига

### КИТОБЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ҒОЛИБИ

**Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилган «Китоб санъати» IX халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда чоп этилган ноширлик ва матбаа маҳсулотлари бир неча номинациялар бўйича совринли номинацияларни қўлга киритди.**

Мамлакатимиз ноширлари томонидан чоп этилган китоблар «Китоб санъати» анъанавий халқаро кўргазмасида илгари ҳам кўп бор алоҳида эътирофга сазовор бўлган. Алишер Навоийнинг беш томлик «Хамса» китоби, «Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги», «Эртақлар қарвони» сингари китоблар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан маълум қилишларича, «Китоб санъати» IX халқаро кўргазмасида МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан жами бир юз йигирмадан зиёд турли мавзудаги бадиий адабиётлар, энциклопедиялар ва фотоальбомлардан иборат ноширлик намуналари намойиш этилган. Кўргазма доирасида ўтказилган танлов ҳайъатининг қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этилган «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоби «Маданият. Фан. Таълим» номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати, мазкур китоб кўргазманинг яна бир муҳим номинацияси — «Арт-китоб» бўйича ҳам иккинчи ўринга лойиқ топилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида нашр этилган «VII-XI асрларда Шарқона хатотлик намуналари ва миниатюра санъати» китоби эса «Ҳамдўстликда чоп этилган» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Китобда наққошлик, китоб миниатюраси ва хатотлик санъатининг ноёб намуналари ўрин олган.

Бундан ташқари, «Гран-при» номинациясида «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Туркистон юлдузи» китоби, «Маънавият» нашриётида тайёрланган «Қорақалпоғистон» фотоальбоми махсус диплом билан тақдирланди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда матбаа ва ноширлик ишини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралардандир.

(ЎЗА)

## БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Ўзбек халқи болажонлиги билан маълум ва машҳур. Айниқса, мамлакатимизда бола тарбияси, ўғил-қизларимизнинг маънавий юксак, билимдон ва жисмонан соғлом — баркамол авлод бўлиб вояга етишишларига алоҳида эътибор берилиши шундан. Мустақиллик даврида бу борада жуда катта ишлар амалга оширилгани ҳам фикримизнинг далилидир.**

Болалар тарбияси, уларнинг пухта билим олишлари билан бирга маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам жойларда қулай шарт-шароитлар яратилган. Юртимиз шаҳар-кишлоқларида қад ростлаётган замонавий таълим масканлари, спорт иншоотлари болажонлар иқтидорининг намойён бўлишида, маънавий камол топишида хизмат қилаётгани сир эмас. Бу каби бунёдкорлик ишларида қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда етакчи корхона ва муассасалар ҳам ўзларининг ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда.

Куни кеча ўзининг сифатли матбаа маҳсулотлари, сара бадиий китоблари билан мамлакатимиз ўқувчиларининг эътирофига сазовор бўлиб келаятган Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳомийлигида пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Олим Аширов маҳалласи Ҳовлибоғ кўчасида ўсмир болаларнинг маданий дам олишлари учун мўлжалланган болалар майдончаси фойдаланишга топширилди. Бу 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини байрамга ижодий уйнинг болажонларимизга муносиб туҳфаси бўлди.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА



